

Коррупцияга қарши курашиш - долзарб вазифа



Бугунги кунда мамлакатимизда коррупциянинг олдини олиш ва унга қарши курашиш, барча соҳаларда коррупцион ҳолатларининг олдини олишга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар изчил амалга оширилмоқда.

Коррупцияга қарши курашиш вилоят ҳудудий кенгаши котиби Сайдулло Абдураимов ҳамда Ҳалқ депутатлари Термиз туман Кенгаши депутатлари, тумандаги ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар вакиллари туман тиббиёт бирлашмасида, АТБ Агробанк Термиз филиали, Микрокредитбанк Учқизил БХМда бўлишди.

Комиссия аъзолари томонидан коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этилишининг олдини олиш, қонунчилик, хизмат интизоми, одоб-ахлоқ қоидалари ва ички тартиб қоидаларга риоя этилиши лозимлиги таъкидлаб ўтилди.